



**МИЛЛИЙ САНОАТ ТАРМОҒИНИНГ РИВОЖЛАНИШ
ЖАРАЁНЛАРИНИ СТАТИСТИК ТАҲЛИЛИ**

Низомов Махмуд Миноварович

“Олмалиқ кон-металлургия комбинати” АЖ

*Бюджетлаштириш ва харажатларни
назорат қилиш” департаменти бошлиғи*

Аннотация: Мақолада мамлакатимизда саноат тармоғининг миллий иқтисодиётда тутган ўрни, унинг ўзига хос хусусиятлари, саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми, улуши, ўсиш динамикаси, шунингдек аҳоли жон бошига ишлаб чиқарилган истеъмол товарлари, бу борадаги кўрсаткичлари ўсиш динамикаси ҳудудлараро ва республика кўрсаткичлари билан қиёсий таҳлил этилган ва ҳудудлар бўйича устувор вазифалар кўриб чиқилган.

Калитли сўзлар: саноат тармоғи, саноат маҳсулоти, яшил иқтисодиёт, инновация, ҳудуд саноати.

Саноат тармоғи мамлакатимиз иқтисодиётининг энг муҳим етакчи тармоқларидан бири ҳисобланиб, ўзининг юқори қўшимча қиймат яратиши, аҳоли ва иқтисодиётнинг турли соҳалари эҳтиёжини кондиришдаги ўрни ҳамда юксак даражага эга бўлган ишлаб чиқариш локомотиви бўлганлиги туфайли ўз афзаллиги билан бошқа тармоқлардан тубдан фарқ қилади. Саноат тармоғи моддий неъмат ишлаб чиқарадиган тармоқ бўлиб, унинг ривожланиши миллий иқтисодиётнинг барқарор суръатлар билан юксалишига ҳамда макроиқтисодий балансларни таъминлашга хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2026 йил 16 февралдаги ПФ-21-сонли «Мамлакат тараққиётининг 2030 йилгача мўлжалланган устувор йўналишлари доирасида ислохотларни изчил давом эттириш ва янги босқичга олиб чиқишнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонида ҳам «Миллий иқтисодиётнинг экспорт салоҳиятини кучайтириш ва унинг таркибида қўшилган қиймати юқори бўлган маҳсулотлар улушини кескин ошириш, маҳаллий хомашё базасидан самарали фойдаланиш ва илғор технологияларга асосланган саноатни ривожлантириш, саноатнинг “драйвер” соҳаларини ривожлантириш ва ҳудудларнинг саноат салоҳиятини тўлиқ ишга солиш, саноатда қўшилган қиймат ҳажмини 60 миллиард долларга етказиш, тоғ-кон саноатида маҳаллийлаштириш, саноат кооперацияси ҳамда шатакка олиш тизими



доирасида маҳаллийлаштирилган маҳсулотлар ҳажмини 2 млрд долларга етказиш” каби устувор вазифалар белгилаб берилган [1].

Бугунги кунда саноатда маҳсулот ишлаб чиқариш даражаси ва самарадорлигини ўсишини тўхтовсиз таъминлаб туриш лозим. Чунки, бу биринчидан, мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш қўламини кенгайтиришга, иккинчидан, аҳолининг турмуш шароитини яхшиланишига, учинчидан, республиканинг саноат маҳсулотлари бўйича экспорт салоҳиятини оширишга имкон беради. Бу борада эса, ривожланган давлатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, саноат мамлакатлар ижтимоий-иқтисодий ривожланишида муҳим ўрин тутмоқда. Дарҳақиқат, бу жараён аҳолини иш билан таъминлаш, даромадларини ошириш имкониятини кенгайтиради, қишлоқ хўжалиги, ўрмон ва балиқчилик тармоғи, озиқ-овқат, енгил саноат соҳаларини ва бошқа тармоқлар ривожланишига туртки беради: қишлоқ хўжалиги, меҳнат, молия ресурслари ва бошқа ресурслар фойдаланиш самарадорлигини, пировард натижада мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятини оширади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 4 апрелдаги ПҚ-4477-сонли “ 2019-2030 йиллар даврида Ўзбекистон Республикасининг «Яшил» иқтисодиётга ўтиш стратегияси” да саноат айланиши қайта ишлаш саноатини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилган. Хусусан стратегияда: газ-транспорт тизимини модернизациялаш ҳисобига табиий газ қазиб олиш, уни қайта ишлаш, ташиш ва тақсимлашдаги йўқотишларни камайтириш; газ билан таъминлашни ҳисобга олиш ва уни тақсимлашнинг замонавий технологияларини жорий этиш; нефть ва нефть маҳсулотларини қайта ишлаш ва сақлашда иссиқхона газларининг ажратмаларини қисқартириш; нефть ва газ қазиб чиқариш объектларида муқобил энергия манбаларини жорий этиш; электр энергияси ишлаб чиқариш учун чиқувчи газлар иссиқлигини утилизация қилиш масалалари асосий вазифалар қилиб белгиланган [2].

Кейинги йилларда саноат корхоналари моливий-хўжалик фаолиятини тартибга солиш тизимини шакллантириш ва босқичма-босқич такомиллаштириш натижасида соҳада бир қатор силжишларга эришилди.

2020 йилда республикада 368740,2 млрд сўмлик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилган бўлса, 2024 йилга келиб бу кўрсаткич 880198,5млрд. сўмликни ташкил этган, яъни у 2,3 баробарга ўсган. 2020 йилда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми Тошкент шаҳрида (66188,0 млрд. сўм), Тошкент (65949,9 млрд. сўм), Навоий (65084,9 млрд. сўм), Андижон (36376,5 млрд. сўм), Фарғона (21701,2 млрд. сўм) вилоятларида юқори



салмоққа эга бўлган. Паст даражада ишлаб чиқариш ҳажми Хоразм (9615,9 млрд сўм), Сирдарё (7990,9 млрд. сўм), Жиззах (5823,8 млрд. сўм), Сурхондарё (5322,7 сўм), вилоятларида кузатилди. 2024 йилда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг юқори ҳажми Тошкент шаҳрида (171706,2 млрд. сўм), Навоий (145615,0 млрд. сўм), Тошкент (138555,4 млрд. сўм), Андижон (90626,6 млрд. сўм), Фарғона (45896,1 млрд. сўм) ва Қашқадарё (39116,8 млрд. сўм) вилоятларида кузатилган. Қолган вилоятларда бу кўрсаткичлар ўртача: 13819,8-171706,2 млрд. сўм оралиғида бўлган [4].

Худудларда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг 2024 йил кўрсаткичларини 2020 йил кўрсаткичларига нисбатан нисбий ўсиш суръатини таҳлил қиладиган бўлсак, бу борада энг юқори ўсиш Қорақалпоғистон Республикасида (174,0%), Хоразм (2,9 марта), Жиззах (4,2 марта), Самарқанд (2,4 марта) вилоятларида кузатилган. Ўсиш сурати юқори бўлишига қарамасдан, Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм, Жиззах вилоятлари саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш бўйича охириги ўринларда қолмоқда.

2024 йилга келиб, энг кўп улуш Тошкент шаҳрига (19,9%), Навоий (16,9 %), Тошкент (16,1%), Андижон (10,5%), Қашқадарё (4,5%) вилоятларига, энг паст улуш эса Наманган (3,7%), Хоразм (3,3%), Жиззах (2,9%), Сирдарё (2,3%), Сурхондарё (1,6%) вилоятларида қайд этилган. Қолган худудларни улуши ўртача даражада: 3,7%- 5,8% оралиғида бўлган [4].

Таҳлил натижалари орқали худудларни саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш даражаси бўйича 3 та - саноати юқори даражадаги ривожланган, ўртача ривожланган, паст ривожланган худудларга ажратишимиз мумкин [3]. Саноати юқори ривожланган худудларга Тошкент шаҳри, Тошкент, Навоий, Андижон ва Қашқадарё вилоятлари; саноати ўртача ривожланган худудларларга Самарқанд, Бухоро ва Фарғона вилоятлари, паст ривожланган худудларга Қорақалпоғистон Республикаси, Жиззах, Наманган, Сурхондарё, Сирдарё ва Хоразм вилоятлари киритилди. Бундай ҳолат худудлар ўртасида бир қатор тафовутларнинг келиб чиқишига олиб келиши мумкин. Ушбу ривожланиш тенденцияси сақланиб қоладиган бўлса, худудлардаги ижтимоий-иқтисодий ривожланиш кўрсаткичлари ўртасидаги фарқ янада кескинлашади. Бунинг асосий сабаблари сифатида қуйидагиларни кўрсатиш мумкин: республикамиз аҳолисининг кўчишга мойил эмаслиги (иммобилность), худудларда минерал-хомашё захиралари нотекис жойлашганлиги, худудларда саноат ишлаб чиқаришини ривожлантиришнинг муҳим омили бўлган малакали ишчилар камлигидадир [3].



Саноат тармоғидаги таркибий ўзгаришлар қуйидаги йўналишлардаги ишларни босқичма- босқич амалга оширишни талаб этади:

- кичик ва ўрта корхоналар улушини ошириш орқали саноат тармоғида рақобат муҳитини шакллантириш, мавжуд монопол корхоналар сонини имкон қадар тугатиш;

- моддий (ер, капитал) ва шахсий инсоний (меҳнат, тадбиркорлик) ресурслардан самарали фойдаланиш, шу орқали ишлаб чиқаришни инновацион йўл билан ривожлантириш;

- саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи субъектлар эркин фаолият юритиши учун давлат томонидан ҳам ижтимоий-иқтисодий, ҳам ҳуқуқий кафолатлар бериш;

- мавжуд ишлаб чиқариш тажрибалари, малакали кадрлар салоҳияти ва барча интеллектуал мулкни босқичма-босқич ривожлантириш;

- ишлаб чиқариш фаолиятини кенгайтириш учун молиявий қўллаб-қувватлаш манбалари томонидан имтиёзлар яратиш, молиявий маблағларни мақсадли йўналишларга жалб этиш.

Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш тузилмасига эътиборни қаратсак, мустақилликнинг ўтган даврида ёқилғи-энергетика, металлургия, машинасозлик ва металлни қайта ишлаш тармоқлари юқори суръатлар билан ўсаётганини кўришимиз мумкин.

Саноат тармоқларидаги ўсиш суръатлари мазкур тармоқларда яратилаётган маҳсулотларга бўлган ички ва ташқи талаб кўламига боғлиқ. Мамлакат аҳолисининг реал даромади ва харид қобилиятини янада оширишда истеъмол кредити тизимини кескин кенгайтириш ва такомиллаштириш саноат мажмуида маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажминини оширувчи ички талаб улуши ошиши билан тавсифланади. Саноат тармоғида яратиладиган маҳсулотларга жаҳон бозоридаги нархнинг қулай конъюнктурага эга бўлиши, халқаро иқтисодий интеграциянинг кучайиши миллий саноат ривожланишига ижобий таъсир кўрсатади ва ташқи омил таъсирининг ошиши билан тавсифланади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2026 йил 16 февралдаги ПФ-21-сонли «Мамлакат тараққиётининг 2030 йилгача мўлжалланган устувор йўналишлари доирасида ислохотларни изчил давом эттириш ва янги босқичга олиб чиқишнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони. Lex.uz



2. 2019-2030 йиллар даврида Ўзбекистон Республикасининг «Яшил» иқтисодиётга ўтиш стратегияси. ПҚ-4477-сон, 04.10.2019 й.
3. Хамидова Ф.А., Ядгаров А.А. Худудлар иқтисодиётини комплекс ва мутаносиб ривожлантиришнинг устувор йўналишлари. “Халқаро молия ва ҳисоб” илмий электрон журнали. №3, июнь, 2017 йил.
4. www.stat.uz.